ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2017 yil "4" март №71/5-16-сонли Qarshi shahri

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш учун Қарши шаҳрининг марказий кўчаси ҳисобланган "Ўзбекистон" номли кўчасини "Ислом Каримов" номли кўча деб номини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й; 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда), Ўзбекисто Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги ПҚ-2744-сон қарори ва Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2017 йил 30 январдаги Х-56/01-сонли қарори ҳамда Қарши шаҳар ҳокимининг таклифи бўйича географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2017 йил 2 мартдаги ВК-4-сонли хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда, нинг 24-моддасига асосан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Қарши шаҳар ҳокимининг таклифига асосан Қарши шаҳридаги "Ўзбекистон"

кўчаси номини “Ислом Каримов” кўчаси деб номлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар статистика бўлими (С.Қаҳҳоров), шаҳар “Ермулккадастр” ДК (А.Рахимов), шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси ва бошқа тегишли мутасадди давлат идоралари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда номи ўзгартирилган кўчани янги номи бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Шаҳар ички ишлар бўлими (У.Азимов) номи ўзгарган ва янгидан номланган “Ислом Каримов” кўчасида қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқароларнинг паспортларига манзиллар бўйича ҳамда мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

4. Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасига шаҳардаги янги номланган ва номлари ўзгартирилиб қайта номланган кўчаларнинг номлари ёзилган ягона замонавий миллий дизайн асосида пешлавҳалар ўрнатилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия”си (З.Бабаназарова) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор “Nasaf” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг www.qarshish.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

UMUMIY BO‘LIM
ASLIGA TO‘G‘RI

Кенгаш раиси **Ж.Фозилов**

Халқ депутатлари шаҳар
Кенгашининг 2017 йил
“ 7 ” мартдаги 71/5-16 - сонли
қарорига илова

Қарши шаҳри ҳудудидаги номлари ўзгарадиган маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар майдонлар номларининг
Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Географик объектнинг таклиф этилаётган янги номи	Географик объектнинг амалдаги номи	Объект тури ва жойлашиши
1	Ислом Каримов	Ўзбекистон	Кўча, Қарши шаҳар